

Якинда бир илм мажлисда катнашишга тўгри келди. У билмаганларимизни билиш, билганлардан ўрганиш максадида ташкил этилганди. Аммо даврага “адашиб кириб колган” бир “сўзамол доно”нинг бир соатча бефойда валаклашидан сухбатнинг тамоман файзи кетди, умидлар чилпарчин, хафсалалар пир бўлди. Бир соатли “чиройли сухбат”дан хеч нарса ололмадик, аксинча ташлаб келган юмушларимиз, исроф бўлган кимматли вактимизга ачиниш хисси билан таркалдик. Замонимиз кўп гапириш, сўзамоллик килиш фазилатга айланган, сўз бисёrlиги донолик саналган бир замон бўлди. Икки оғиз маълумотни етказиш учун соатлаб йигилиш ўтказиладиган, шунчаки маслаҳат тарзида хал бўладиган бир масалани кўриш учун катта машваратлар ташкил этиладиган даврда яшяпмиз. Чойхоналарда, базм-гаштакларда, турли йигилишларда соатлаб бефойда гапларни сўзлаймиз, кимматли вактимизни, тансик умримизни совурамиз. Нотиклар, хатиблар, даъватчилар билимдон кўриниш, фасоҳатли гапириш максадида икки оғиз сўз билан тушунтиrsa бўладиган фикрларини етказа олмай, соатлаб эзмаланишадиган одат чикаришди. “Ойнаи жаҳон” ва радио бошловчилари хам кўп (аммо хўб эмас) сўз ишлатиш пойгасида пешкадамлар сафида. Катталардан нусха кўчираётган фарзандларимиз хам тобора махмадона, сергап, бемаъни сўзлар гапирадиган бўлиб боришаپти.

Ваҳоланки, аждодларимиз фикрларини, айтмокчи бўлганларини икки-уч жумла билан ифодалашда шухрат чикаришган. Кўп гапиришни, сўзмоллик килишни айб, одобсизлик санашган. Бир-икки мисол: Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» асарида гўзал бир ривоят бор: «Хазрати Усмон розийаллоҳу анҳу халифа бўлиши билан минбарга чиқди ва халк: «Ажабо, нима дер экан?» деб кутди. Бирок Хазрати Усмон индамади. Акалли бир сўз айтмади. Факат бокди ва халқда шундай бир хол пайдо бўлдики, хеч кимда ташкарига чикишга мадор колмади. Шу вактгача килинган юзлаб хутбалар чоги бундай хол хосил бўлмаган, мўминлар бундай хол соясида ўзлари учун фойда ва сирларни хеч качон бунчалик кўп кашф этишмаган эди. Усмон розийаллоҳу анҳу йигин тугагунича гапирмади. Факат минбардан тушаётганида: «Сиз учун фаол иймон махмадона иймондан хайрлидир», деди. У хак гапни айтди. Чунки сўз айтмокдан максад бир фойда бермок, калбга таъсир этмок, ахлокни ўзгартирумок ва хоказо яхшиликлар кильмокдир. Холбуки, Хазрати Усмон лом-мим демасдан гапирган вактидагидан кўпроқ фойда келтирди».

Догистоннинг машхур шоири Расул Хамзатов “Догистоним” асарида бир вокеани келтиради: шоир Московда ўқиб юрганида отаси палто олиш учун пул жўнатади. У пулни ишлатиб кўйиб, палто ололмайди. Кишки таътилда Догистонга борганида отаси олдида ўз айини оклаш учун теша тегмаган баҳоналар ахтариб топади, бир-биридан ковушмаган ва ёлгон гапларни тўкиб ташлайди. Охири хамма нарсани чалкаштириб юборганини кўрган отаси унинг кийналишига нукта кўяди: “Тўхта, Расул, сенга иккита савол бермокчиман”. “Бераверинг...” “Палто сотиб олдингми?” сўрайди ота. “Йўк”. “Пулни ишлатиб бўлганмисан?” яна сўрайди ота. “Ха”. “Мана энди хаммаси тушунарли. Боядан бери нима учун шунча бефойда сўзларни гапирдинг, канча баҳона-сабабларни калаштириб ташладинг, ахир бор гапни бир жуфт сўз билан ифодаласа бўларкан-ку!” Инсонлар ортиқча сўзлашдан, бехуда сўзларни айтишдан кайтарилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши сўз айтсин ёки жим турсин» деганлар (Имом Бухорий). Абулкосим Замахшарий

бундай деган: «Агар тилингни ортикча сўзлашдан тия олмасанг, унинг жиловини шайтонга топширган бўласан». "Эзмалик калтабинликдир", деган донишманд Кобус. "Ўз тилини идора килолмаган одамда хакикат бўлмайди", дебди хиндларнинг давлат арбоби Махатма Ганди.

Сергаплик ва сўзамоллик фазилат эмас, кусурдир. Чунки сўз кўпайганда максад унутилади. Айрим нотиклар сўзларни сохта кофиялар билан безаб, ёдлаб олинган сўзларни аямай ишлатиб одамларга ёқмокчи бўлишади. Инсоний муносабатларда ва илм мажлисларида бу «донолик»нинг сири тезда фош бўлади. Аммо хатибларнинг хутба чогида кишилар диккатини тортиш учун фасогат ва балогат билан сўзлаши сохтакорлик ва кофиябозликка кирмайди.

Ўтмишдошларимиз оз сўзлашни, кўп фикрлашни, сўзлаганда хам факат зарур, рост, фойдали сўзлашни одат килишган, бошкаларни хам шунга чорлашган. Агар акл кишиларнинг гап-сўзи микдорига кўра ўлчанганида эди, одамларнинг энг аклиси уларнинг энг сергаплари бўлар эди. Сўзни киска киладиган бўлсак, сўзамолликдан кўркайлик!